учинчи булим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

252 Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишта доир қушимча чора-тадбирлар турисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўгрисида» 1999 йил 7 июндаги 291-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар тўгрисида» 2005 йил 8 июндаги ПҚ—117-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар кейинги йилларда қоғознинг ёзув, газета ва офсет турларидан янада оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни таъминлади.

Қоғоз маҳсулотларини тендер асосида харид қилиш тизими ва сотиб олиш харажатларини камайтириш такомиллашмоқда, қоғознинг, аввало ёзув ва нусха купайтириш учун ишлатиладиган турларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг сарфланиши устидан назорат кучайтирилди. Кейинги уч йилда давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аппаратларида қоғоз сарфи йилига 10 фоиздан 40 фоизгача қисқарди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, махаллий ва тармоқлараро вазифаларни тезкор ҳал этиш, шунингдек қоғоз сарфини қисқартириш мақсадида компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан электрон ҳужжат айланиши, ахборот тизимлари изчил суръатларда жорий этилмоқда, давлат ва идоравий интерактив ҳизмат кўрсатиш турлари тармоғи ривожланмоқда. Компьютер техникаси билан жиҳозлаш даражаси давлат қумиталарида — 61,0 фоизни, вазирликларда — 81,0, ҳокимликларда — 91,0 фоизни ташкил этади. Республика давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг ярмида қоғоз сарфини анча камайтириш имконини берган локал тармоқлар ва электрон ҳужжат айланиши тизими фаолият курсатмоқда.

Нашриёт-матбаа фаолияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари соҳасида қоғознинг газета ва офсет турларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» компанияси ва бошқа матбаа корхоналари томонидан ўз маблағлари ҳисобига модернизация қилиш ва босма маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш таъминланмоқда. Китоб чиқариш ва даврий нашрларни чоп этишнинг барча

босқичларида қоғоз сарфини қатъий тартибга солиш ва технологик харажатларни қисқартириш имконини берган стандартлар комплекси ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Шу билан бирга, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясида, Тошкент вилояти ва Тошкент шахар хокимликларида, шунингдек бошқарувнинг бошқа органларида ишларнинг ахволини ўрганиш ёзув ва нусха кўпайтириш учун ишлатиладиган қоғозни сарфлашда зарур тартиб ўрнатиш, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларни мақбуллаштириш, хужжатлар айланишини қисқартириш, қоғоз махсулотларидан тежаб фойдаланишда ходимларга талабчанликни кучайтириш бўйича камчиликларни бартараф этиш зарурлигини кўрсатди.

Аникланган камчиликларни бартараф этиш хамда республикада қоғоздан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ушбу мақсадларда ахборот-коммуникация технологияларини ва тизимларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек бошқарув ва ижро этувчи аппаратлар фаолиятини мақбуллаштириш буйича қушимча чора-тадбирлар амалга оширилиши учун давлат ва хужалик бошқаруви органлари рахбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Вазирликлар, идоралар, хужалик бирлашмалари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шахарлар ва туманлар хокимликлари рахбарлари қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш режимини хамма жойда кучайтириш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, қоғозбозлик ва расмиятчиликни бартараф этиш, ортиқча хужжатлар айланишини янада қисқартириш, куп сонли мажлислар ва йиғилишлар утказиш, асосланмаган хисобот ва ахборот-маълумотнома тарзидаги материалларни сураш амалиётини кескин чеклаш юзасидан курилаётган чоратадбирларнинг натижадорлиги учун қатъий огохлантирилсинлар.
- 2. Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш буйича қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутадиган қушимча чора-тадбирлар комплекси (кейинги уринларда Қушимча чора-тадбирлар комплекси деб аталади) 1-иловага мувофик тасдиқлансин:

қоғоз маҳсулотларини харид қилиш, ҳисобга олиш буйича назорат тизимини кучайтириш, Давлат бюджети харажатлари классификациясига қоғоз харид қилиш учун алоҳида моддани жорий этиш, 2010 — 2012 йилларда қоғоз сарфини камида 30 фоизга, ҳар йили — 10 фоиздан қисқартириш. Ғазначилик ва унинг булинмалари томонидан ушбу мақсадлар учун маблағлардан фойдаланиш мақбуллаштирилиши устидан мунтазам равишда мониторингни амалга ошириш;

2011 йилда бошқарув органларининг маъмурий-бошқарув ходимларини компьютер техникаси билан таъминлашни якунлашни назарда тутган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга доир қушимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, қоғоз ёзишмаларини,

энг аввало ички идоравий қоғоз ёзишмаларини тегишли равишда қисқартирган қолда электрон қужжат айланишини кенгайтириш параметрларини қайта куриб чиқиш ва 2011 — 2015 йиллар учун янги мақсадли параметрларни белгилаш, локал ва корпоратив компьютер тармоқларини, шунингдек бошқа ахборот тизимларини жорий этиш;

бошқарув органлари ва ишлаб чиқариш корхоналари рахбарлари ҳамда мутахассисларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги малакаси ва куникмалари даражасини ошириш, уларни даврий аттестациядан утказишни жорий этиш;

нашриётларнинг мавзу режалари мониторингини олиб бориш ва тахлил килиш, долзарб ахамиятга эга булмаган ижтимоий ахамияти кам булган адабиётлар нашр этилишини бартараф этиш. Матбаа корхоналарини янада модернизация килиш, нашриётлар ва босма оммавий ахборот воситалари фаолиятига замонавий илгор технологияларни жорий этиш, нашриёт-матбаа жараёнларини макбуллаштириш буйича тармок стандартларини ва бошка норматив хужжатларни кайта куриб чикиш хамда ишлаб чикиш, шу асосда когознинг газета, офсет ва бошка турларидан янада тежаб фойдаланишни таъминлаш;

мактабларнинг айрим синфларида дарсликлар ва ўкув қўлланмалардан фойдаланиш муддатларини узайтиришни назарда тутган холда уларни янгилаш ва нашр этиш даврийлигини мақбуллаштириш;

республиканинг махаллий қоғоз махсулотлари ишлаб чиқариш буйича фаолият курсатаётган корхоналари ва ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давлат томонидан қуллаб-кувватлаш, уларда ресурслар ва энергияни тежаш технологияларини жорий этиш, маҳсулотлар ҳажмини купайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хомашё базасини янада ривожлантириш, иккиламчи қоғоз чиқиндиларини қайта ишлаш учун туплаш, тайёрлаш ва етказиб бериш, шунингдек қайта ишлаш тизимини кучайтириш ва такомиллаштириш.

3. Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қушимча чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш буйича Республика комиссияси ва гурухларнинг таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Комиссия (А.Н. Арипов):

бир ҳафта муддатда — Комиссиянинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари аник белгиланган Низомини ишлаб чиксин ва тасдиклаш учун киритсин;

ўн кун муддатда — тасдиқланган Қушимча чора-тадбирлар комплекси ва ушбу қарор талаблари ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун давлат ва хужалик бошқаруви органлари раҳбарлари иштирокида Комиссиянинг ташкилий мажлисини утказсин;

йилнинг хар чорагида — Қушимча чора-тадбирлар комплекси булимла-

^{* 2-}илова берилмайди.

ри бажарилишининг бориши ва амалий натижалар тўгрисида Вазирлар Махкамасига ахборот берсин.

- 4. Вазирлар, давлат қумиталари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг раислари, хужалик бирлашмалари рахбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шахарлар ва туманлар хокимлари 10 кун муддатда ушбу қарор талаблари ва тасдиқланган Қушимча чоратадбирлар комплексини амалга ошириш буйича амалий тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.
- 5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари дастури тўгрисида» 1999 йил 7 июндаги 291-сон қарори ва Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 15 июндаги 275-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Б.А. Хўжаев, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси Д.О. Мусаев зиммасига юклансин.

Қарорнинг бажарилиши ва натижалари тўгрисида 2011 йил январь ойида ахборот берилсин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2010 йил 22 июль, 155-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги 155-сон қарорига 1-ИЛОВА

Республикада қоғозни тежашни ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш буйича қушимча чора-тадбирлар КОМПЛЕКСИ

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа			
	I бўлим. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар.							
1.1.	Когозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича Республика комиссияси тўгрисидаги низомни ишлаб чиқиш, ушбу қарор билан тасдиқланган вазифаларни ва Қўшимча чора-тадбирлар комплексини амалга оширишни таъминлаш бўйича янгидан тузилаётган 4 та кичик гурухнинг функциялари ва вазифаларини белгилаш. Ушбу қарор талабларини тушунтириш ҳамда республиканинг 19 та вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси, ҳокимликлар ва газеталар тахририятларида ишларнинг ахволини тахлилий ўрганиш мате-	1 августга қадар 1 августга қадар	Республика комиссияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш буйича Республика комиссияси тўгрисидаги низом. Ташкилий чоратадбирларни тасдиқлаш буйича Республика комиссияси мажлиси протоколи.	Қогозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича Республика комиссияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ва Қўшимча чора-тадбирлар комплекси бажарилишини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш бўйича янгидан тузилаёттан 4 та кичик гуруҳнинг функциялари, вазифалари ва ваколатларини белгилаш. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.			
	риаллари бўйича тасдикланган Кўшимча чора-тадбирлар комплекси тўлик ва ўз вактида амалга оширилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари иштирокида Республика комиссиясининг ташкилий мажлисини ўтказиш.			протоколи.				

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
1.3.	Куйидагиларнинг: а) вазирликлар, давлат кумиталари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг; б) уюшмалар, компаниялар ва хужалик бошқаруви бошқа органларининг худудий булинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларида; в) Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, республика вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимликларида когозни хисобга олиш ва унингларида когозни хисобга олиш ва унинг	муддати 2010 йил III-IV чорак жадвал бўйича жадвал бўйича жадвал бўйича	Республика комиссияси Республика комиссиясининг 1-гурухи Республика комиссиясининг 1-гурухи Республика комиссиясининг 1-гурухи	шакли Таҳлилий материалларни тайёрлаш, уларни Республика комиссияси муҳокамасига киритиш ва тегишли чора- тадбирлар кўриш.	Қоғозни ҳисобга олиш ва унинг сарфи тизимини такомиллаштириш, қоғоздан фойдаланишга нисбатан исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари бўйича шошилинч чоралар кўриш.
1.4.	сарфи холатини танқидий тахлил қилиш. Бошқарув аппаратларида, ноширлик ва матбаа фаолияти, оммавий ахборот воситалари соҳасида қоғоздан оқилона фойдаланиш бўйича хорижий тажрибани, шу жумладан хорижий молиявий ва иқтисодий институтларнинг тажрибасини ўрганиш.	2010 йил III-IV чорак	Республика комиссияси Республика комиссиясининг 1 ва 2-гурухлари	Ўрганиш якунлари бўйича таҳлилий маълумотномалар ва Республика комиссиясида кўриб чиқиш учун аниқ таклифлар тайёрлаш.	Бошқарув жараёнларида ва хўжалик фаолиятида қоғозни тежашни такомиллаштириш ва унинг замонавий усулларини жорий этиш.
1.5.	Коллегиал органлар, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида ўтказиладиган йигилишлар сонини, долзарблигини ва кун тартибини таҳлил қилиш.	2010 йил август	Республика комиссиясининг 1-гурухи, Вазирлар Махкамасининг АТД	Ўтказиладиган мажлислар ва йигилишларни мақбуллаштириш, қоғоз сарфини қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Ўтказиладиган мажлислар ва йиги- лишларни мақбуллаштириш, сарф- харажатларни, шу жумладан уларни тайёрлаш ва ўтказишга молиявий маблағлар ва қоғозни қисқартириш.
1.6.	Давлат бюджети харажатлари классифи- кациясига «Қоғоз сотиб олиш харажат- лари» алохида моддасини киритиш. 2010 — 2012 йилларда қоғоз сарфини ка- мида 30 фоизга, ҳар йили — 10 фоиздан қисқартиришни назарда тутган ҳолда қогоз сотиб олишга йўналтирилган маб- лаглардан фойдаланилиши устидан Ғаз- начилик томонидан мунтазам монито- рингни амалга ошириш.	2010 йил ва кейинги йиллар	Молия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — бюджетдан маблаг олувчилар	Молия вазирлигининг буйруғи ва идоравий тадбирлар режалари.	Қоғоз сотиб олишга харажатларни, ортиқча қоғоз ҳужжатлар айланишини ва ҳисоботларни қисқартириш, бўшайдиган маблагларни ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантиришга йўналтириш.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш	Кутилаётган натижа
17P	тори тидоприир (тидоприир)	муддати	тасын бажаруы таар	шакли	Tty moute it air na i ma
1.7.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида қоғоз сотиб олиш, унданфойдаланиш, ҳисобдан чиҳариш, ҳоғоз чиҳиндиларини тўплаш ва мунтазам равишда макулатурага топширишнинг ҳолатини тизимли асосда текшириш.	жадвал бўйича доимо	Республика комиссиясининг 1-гурухи, Хисоб палатаси, Молия вазирлигининг Назораттафтиш бош бошқармаси	Текширишлар ва тафтишлар материал- ларини тегишли чора- тадбирлар кўриш учун Республика комиссиясига ва Молия вазирлигига киритиш.	Қоғоздан оқилона фойдаланишнинг ҳолати ва ушбу мақсадлар учун ажра- тиладиган молиявий маблағлар, шу жумладан бюджетдан ташқари маблағ- лар устидан мунтазам назорат қилиш.
			дан самарали фойдаланиш, з ва ахборот-коммуникация т		
		Па. Компью	отер техникасидан самарали	і фойдаланиш.	
2.1.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий ижро этувчи хокимият органларининг компьютер техникаси билан жихозланганлигини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини тахлил қилиш.	2010 йил III чорак	Республика комиссиясининг 2-гурухи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпо- ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Компьютер техникасидан фойдаланишнинг холати тўгрисида тахлилий маълумотнома ва унинг самарадорлигини ошириш тўгрисида таклифлар.	Компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий маблагларни ва қоғоз сарфини қисқартириш, бошқарув аппарати фаолиятини такомиллаштириш.
2.2.	Ахборот-коммуникация технологиялари- дан фойдаланиш соҳасида раҳбарлар, мутахассисларнинг малакаси ва кўник- масини ошириш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида кадрларни компьютер саводҳонлиги бўйича аттеста- циядан ўтказиш тизимини жорий этиш.	2010 йил август ҳар йили	Республика комиссиясининг 2-гурухи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Дастур ва аттестациядан ўтказиш тизимини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори.	Бошқарув органлари рахбарлари ва мутахассисларининг бошқарув жараёнида, шу жумладан қоғоз сарфини қисқартириш мақсадида, компьютер техникасидан фойдаланиши бўйича уларнинг малакасини ошириш ва савиясини баҳолаш.
2.3.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий ижро этувчи хокимият органларининг маъмурий-бошқарув ходимларини компьютер техникаси билан таъминлаш, локал ва корпоратив компьютер тармоқларини яратиш, зарур сервер ускуналари билан жихозлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва жихозлашни якунлаш.	2010 йил III чораги — ишлаб чикиш 2011 йил ва кейинги йиллар амалга ошириш	Республика комиссиясининг 2-гурухи, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Чора-тадбирлар режасини тасдиклаш бўйича Республика комиссиясининг қарори.	Маъмурий-бошқарув ходимлари компьютер техникаси ва электрон хужжатлар айланиши тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
2.4.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва мутахассислари учун компьютер техникасидан самарали фойдаланиш бўйича методик қўлланма ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш: шахсий компьютерлардан, локал ва корпоратив тармоқлардан фойдаланиш; функционал ва тармоқ вазифаларини амалга ошириш бўйича маълумотларнинг йиғма базасини шакллантириш; ички ва идоралараро тармоқларда ахборот айирбошлаш; компьютер техникасидан ва Интернет тармогидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш.	2010 йил III чорак	Республика комиссиясининг 2-гурухи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги	Методик қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича Республика комиссиясининг қарори.	Ишларнинг ҳолати тизимли таҳлил қилинишини таъминлаш, тармоқ вазифаларини тезкор ҳал этиш ҳамда республика иқтисодиёти соҳалари, тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришни прогнозлаштириш бўйича давлат ва ҳўжалик бошҳаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари иши самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш.
	•	ı м. Электрон ху	। жжат айланишини жорий эт	і гишни такомиллаштириш.	
2.5	Электрон ҳужжат айланиши жорий этилишининг ҳолатини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини танқидий таҳлил ҳилиш ҳамда ички идоравий ёзишмаларни кескин ҳисҳартириш бўйича аниҳ чора-тадбирлар ишлаб чиҳиш.	2010 йил IV чорак	Республика комиссияси- нинг 2-гурухи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпо- ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ички идоравий ёзишмаларни қисқартириш бўйича маълумотнома ва чоратадбирларни тасдиқлаш.	Электрон ҳужжатлар айланиши тизим- ларидан фойдаланишдаги мавжуд кам- чиликларни бартараф этиш ва унинг самарадорлигини ошириш.
2.6.	Вазирлар Маҳкамаси билан давлат ва хужалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари уртасида «E-Xat» ҳимояланган ягона корпоратив электрон почтани ва «E-Hujat» тизимини жорий этиш ва улардан белгиланган тартибда фойдаланиш.	2011 йил I чорак	Республика комиссияси- нинг 2-гурухи, Вазирлар Махкамаси, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпо- ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари	Тадбирларни тасдиқлаш бўйича Вазирлар Махкамасининг қарори.	Электрон шаклда хат-хабарлар, нор- матив-хукуқий хужжатларнинг химоя- ланган тарзда жўнатилишини таъмин- лаш, хужжатларни жўнатишда қогоз сарфини қисқартириш.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
2.7.	Электрон ҳужжат айланиши тизимларига ва электрон ҳужжатларни идоралараро айирбошлаш стандартига қўйиладиган намунавий талабларни ишлаб чиқиш.	2011 йил I чорак	Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиклаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзархив», «Ўзстандарт» агентлиги	Низомни тасдиқлаш, Давлат стандарти.	Жорий этиладиган электрон хужжат айланиши тизимларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш учун уларнинг кейинчалик интеграциялашуви ҳисобга олинган ҳолда ягона талабларни яратиш.
	IIe	з. Ахборот-ком	муникация технологиялариі	ни ривожлантириш.	
2.8.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини танқидий таҳлил қилиш: а) ахборот тизимлари; б) давлат ахборот ресурслари; в) интерактив хизматлар кўрсатиш; г) корпоратив электрон почтада.	2010 йил IV чорак — 2011 йил I чорак	Республика комиссиясининг 2-гурухи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпо- гистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Таҳлилий маълумотнома ва ахборот-коммуника- ция технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир таклифлар.	Ахборот-коммуникация технология- ларини янада ривожлантиришни ва уларни жорий этиш самарадорлигини оширишни таъминлаш.
2.9.	Ахборот тизимларини жорий этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини локал ва корпоратив компьютер тармоқлари яратиш, зарур компьютер техникаси ва сервер ускуналари билан жиҳозлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уни молиялаштиришни ташкил этиш.	2010- 2011 йиллар	Республика комиссияси- нинг 2-гурухи,	Республика комиссиясида кўриб чиқиш учун таклифлар.	Электрон хужжат айланиши тизимини такомиллаштириш учун зарур платформа яратиш. Маълумотлар айирбошлашнинг юқори тезликдаги ҳимояланган инфратузилмасини яратиш.
2.10.	Бошқарув жараёнларини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш учун Корпоратив ахборот тизимларини яратиш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чикиш.	2010 йил декабрь — ишлаб чиқиш 2011 —	Республика комиссияси- нинг 2-гурухи Узбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вазирликлар ва	Чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Махкамаси қарори.	Бошқарув жараёнларини қоғозсиз амал- га оширишга босқичма-босқич ўтиш учун ахборот тизимларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
		2016 йиллар — амалга ошириш	идоралар, Қорақалпо- ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари		
2.11.	Расмий веб-сайтлар орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишга доир талабларни ишлаб чикиш.	2010 йил III чорак	Республика комиссиясининг 2-гурухи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги	Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиклаштирувчи кенгаш томонидан тасдикланадиган норматив хужжат.	Интерактив давлат хизматлари ёрда- мида расмий веб-сайтлар орқали муро- жаатларни қабул қилиш ва уларга жавоб бериш учун шарт-шароитлар яратиш.
2.12.	2011 — 2015 йилларда телекоммуника- циялар тармоқларини, маълумотлар уза- тишни ва ахборот-коммуникация тех- нологияларини қўллашни ривожланти- ришнинг янги мақсадли параметрларини қайта кўриб чиқиш ва белгилаш.	2010 йил III чорак	Республика комиссиясининг 2-гурухи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси.	Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш даражасини ошириш.
			ммавий ахборот воситалари лона фойдаланиш, замонави		
3.1.	Мулкчилик шаклларидан қатъи назар резидентлар ва/ёки норезидентлар томонидан етказиб берилаёттан қоғознинг газета ва офсет турларини олиб киришнинг республикада амалда булган тартибини танқидий таҳлил қилиш, қоғозни олиб кириш, ҳарид қилишни тартибга солиш, ҳисобга олиш ва сарфлаш, нарҳнаво тизимини мақбуллаштириш буйича таклифлар тайёрлаш.	2010 йил 1 сентябрга қадар	Республика комиссиясининг 3-гурухи, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги	Республика комиссиясида кўриб чиқиш учун аниқ таклифлар билан биргаликда тахлилий маълумотнома тайёрлаш.	Қоғоз олиб кириш ва харид қилишни тартибга солиш ва мақбуллаштириш, қоғознинг газета ва офсет турларини хисобга олиш ва сарфлаш тизимини такомиллаштириш.
3.2.	Нашриёт-матбаа жараёнини мақбуллаш- тириш мақсадида тармоқ стандартларини ва бошқа норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда ишлаб чиқиш.	2010 йил III чорак	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзстандарт» агентлиги	Тармоқ стандартлари ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	Ноширлик ва матбаа ишлаб чиқариши жараёнида чиқиндиларни қисқартириш, тежаш режимини мустаҳкамлаш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
3.3.	Узбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимига кирадиган корхоналарда ва «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида, шунингдек газеталар, журналлар тахририятларида, республика матбаа корхоналарида қогознинг газета ва офсет турларини тежашнинг ҳолатини танқидий ўрганиш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2010 йил июль — сентябрь	Республика комиссияси- нинг 3-гурухи, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Қоғознинг газета ва офсет турларини тежашнинг ҳолати ва чора-тадбирлар тўгрисида таҳлилий маълумотнома.	Мулкчилик шаклларидан қатъи назар республика корхоналари ва муассасаларида қоғознинг газета ва офсет турларини тежаш режимини мустаҳкамлаш.
3.4.	Мулкчилик шаклларидан қатъи назар нашриётларнинг мавзу режаларини кўриб чиқиш ва тахлил қилиш, ижтимоий кам аҳамиятли, такрорланадиган ёки мавзуси бир хил бўлган адабиётлар нашр этишни бартараф қилиш бўйича Мувофиклаштирувчи кенгаш ташкил этиш.	2010 йил август	Республика комиссияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси	Вазирлар Маҳкамасининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши таркибини ва Кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича қарори.	Босиб чиқарилаётган босма нашрлар сифатини ошириш, бозорнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ҳажмлар ва тиражларни белгилаш, ҳоғознинг газета ва офсет турларини тежаб сарфлаш.
3.5.	Нашриётлар ва матбаа корхоналари омборларидаги тайёр махсулотлар қолдиғини ўрганиш ва қолдиқларни қисқартиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, босма махсулотларни тарқатиш тармоқларида тизимли мониторингни ташкил этиш.	2010 йил июль — сентябрь	Республика комиссиясининг 3-гурухи, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, нашриётлар, матбаа корхоналари	Тайёр босма махсулотлар қолдиғи ва уларни қисқартириш чоралари тўгрисида таҳлилий маълумотнома. Республика комиссиясининг қарори.	Нашриётлар ва матбаа корхоналари омборларидаги тайёр босма махсулотлар қолдиғини қисқартириш.
3.6.	Сотиш учун шартномалар мавжудлигини, босма нашрларнинг савдодан қайтган қолдиқлари ҳажмини, моддий ва молиявий харажатларни таҳлил қилишни назарда тутган ҳолда республиканинг вилоят марказлари, шаҳарлари ва туманларида жойлашган китоб савдоси ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ўрганиш.	2010 йил 1 сентябрга қадар	Республика комиссиясининг 2-гурухи, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АЖ, Қорақаклюғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Аниқ таклифлар билан биргаликда тахлилий маълумотнома тайёрлаш. Республика комиссиясининг қарори.	Босма оммавий ахборот воситалари ва китоб савдоси ташкилотларининг моддий ва молиявий харажатларини, фаолияти самарадорлигини бахолаш.

ликаси қонун ҳужжатлари тўплами,	^ў збекистон Респуб
хужжатлари тўплами,	n
ҳужжатлари тўплами,	қонун
плами,	
2010	тўплами,
Ľ,	2010 ŭ.

N
Ç
N
≥
0
Ħ
Ħ
2

15

	<u></u>				Γ
T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масьул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
3.7.	Таълим муассасалари учун дарсликлар ва	жадвал	Давлат комиссияси, Халқ	Дарсликлар ва	Дарсликлар ва ўкув қўлланмаларини
	ўқув қўлланмаларини янгилаш ва нашр	бўйича,	таълими вазирлиги, Олий	қўлланмалар тайёрлаш	янгилаш ва нашр этиш даврийлигини
	этиш даврийлиги юзасидан таклифлар	ҳар йили	ва ўрта махсус таълим	ва нашр этиш бўйича	мақбуллаштириш, улардан фойдаланиш
	тайёрлаш.		вазирлиги,Ўрта махсус,	Давлат комиссиясининг	муддатларини узайтириш.
			касб-хунар таълими	қарори.	
			маркази		
3.8.	Оммавий ахборот воситалари нашрлари-	2010 йил	Республика	Норматив-хуқуқий	Даврий нашрларни нашр этиш ва
	ни тарқатишни тартибга солиш тўгриси-	октябрь	комиссиясининг 3-гурухи,	хужжат лойихасини	тарқатишнинг ноқонуний шаклларини
	да таклифлар ишлаб чиқиш.		Ўзбекистон матбуот ва	тайёрлаш.	бартараф этиш.
			ахборот агентлиги,		
			«Ўзбекистон почтаси»		
			ОАЖ, «Матбуот		
			тарқатувчи» АК, Адлия		
			вазирлиги		
3.9.	Нашриёт-матбаа фаолияти корхоналари-	2010 йил	Республика комиссияси-	Таҳлилий маълумотнома	Нашриёт-матбаа корхоналарининг
	нинг техник жиҳатдан жиҳозланганли-	III чорак	нинг 3-гурухи,	ва Нашриёт-матбаа	техник жиҳатдан жиҳозланганлигини
	гини ўрганиш ҳамда уларни янада модер-		Ўзбекистон матбуот ва	фаолияти	бахолаш ва уларни боскичма-боскич
	низация қилиш ва босма махсулотлар		ахборот агентлиги,	корхоналарини янада	модернизация қилиш.
	ишлаб чиқаришда ресурсларни тежай-		«Шарқ» нашриёт-матбаа	модернизация қилиш	
	диган технологияларни жорий этиш		акциядорлик компанияси,	дастурини тайёрлаш.	
	бўйича таклифлар тайёрлаш.		Қорақалпоғистон		
			Республикаси Вазирлар		
			Кенгаши, вилоятлар ва		
			Тошкент шаҳар		
			ҳокимликлари,		
			Иқтисодиёт вазирлиги		
	IV бўлиг		отлари ишлаб чиқарадиган		
			я қилиш ва технологик жих	атдан янгилаш.	
4.1.	Мулкчилик шаклларидан қатъи назар	2010 йил	Республика комиссияси-	Тахлилий маълумотнома	Қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи
	республикада ишлаб турган қоғоз мах-	1 сентябргача	нинг 4-гурухи,	ҳамда қоғоз	корхоналарнинг жорий холатини ва
	сулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар		Иқтисодиёт вазирлиги,	махсулотлари ишлаб	уларни ривожлантириш истикболлари-
	фаолиятини ўрганиш, бунда уларнинг		Давлат статистика	чиқарувчи корхоналар	ни баҳолаш.
	моддий-техника базасини, қувватлардан		қўмитаси, Давлат мулки	паспортлари	
	фойдаланишини, чиқарилаётган махсу-		қўмитаси, Монополиядан		
	лотлар ҳажми ва номенклатурасини,		чиқариш ва рақобатни		
	шунингдек молиявий-иқтисодий аҳво-		ривожлантириш давлат		
	лини ҳар томонлама таҳлил ҳилиш.		қўмитаси,		

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
			Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари		
4.2.	Қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш мақсадида корхоналарни модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлашни таъминлаш учун Корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш.	2010 йил 15 сентябрь	Республика комиссиясининг 4-гурухи, Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари	Узбекистон Республи- каси Президентининг Мамлакатимизда қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора- тадбирлари дастурини тасдиқлаш бўйича қарори.	Корхоналарни янада ривожлантириш, мамлакатимизда қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш.
4.3.	Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига «Тошкент қоғози» МЧЖ, «Саноатқалинқоғозсавдо» ОАЖ ва «Ўзрубероид» МЧЖни иш ҳажми билан таъминлаш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш.	2010 йил 15 сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзмиллийбанк», Тошкент шахри ва Тошкент ва Наманган вилояти ҳокимликлари	Тадбирлар режаси	Корхоналарни модернизация қилиш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш, корхоналарнинг молиявийиктисодий ахволини мустахкамлаш.
4.4.	Куйидагилар буйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: республиканинг ёзув қоғозига булган эҳтиёжини қондириш учун «Наманган қоғози» МЧЖда ўрамда ёзув қоғози ишлаб чиқаришни тулиқ йулга қуйиш, кейинчалик уни қирқиш ва ўрашни ташкил этиш; «Тошкент қоғози» МЧЖда қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тиклаш	2010 йил 15 сентябрь	«Ўзмиллийбанк», Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шахри ҳокимликлари	Қоғоз махсулотлари ишлаб чиқаришни тиклаш ва кенгайтириш бўйича таклифлар.	Корхоналариинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қоғоз ишлаб чиқаришни тиклаш.
4.5.	Қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши бўйича таклифлар ишлаб чикиш ва киритиш.	2010 йил 15 сентябрь	Марказий банк, тижорат банклари	Банклар кредит қўмиталари қарорлари.	Қоғоз ишлаб чиқариш тармоғи кор- хоналарининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масьул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
4.6.	Импорт қилинадиган қоғоз хомашёси ва қоғоз маҳсулотлари учун бож тўловлари ставкаларини мақбуллаштириш, шунингдек линтер ва ёгоч целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш юзасидан таклифлар тайёрлаш.	2010 йил 15 сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.	Бож тўловлари ставкаларини мақбуллаштириш ва мамлакатимизнинг қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш.
4.7.	Қоғоз-картон, шу жумладан пахта толаси ва хомашёнинг ноанъанавий турлари (сунъий тола материаллари, сомон, яримлатта массаси ва бошқалар)дан қоғоз-картон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2010 йил 15 сентябрь	Республика комиссиясининг 4-гурухи, Иктисодиёт вазирлиги, Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси	Инновация ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструктор- лик ишлари лойиҳа- ларини ишлаб чиқиш	Қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хомашё базасини кенгайтириш.
4.8.	Келгусида қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқариш хомашёси базасини ривожлантиришни назарда тутган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2009 йил 16 мартдаги 70-сон қарори талаблари бажарилишини танқидий таҳлил қилиш ва унга қўшимчалар киритиш.	Алохида жадвал бўйича	Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билан тахлилий маълумотнома тайёрлаш.	Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини такомиллаштириш.
4.9.	Ишлатилган қоғоз чиқиндиларини макулатурага топшириш бўйича аниқлаштирилган прогноз топширикларни танқидий қайта кўриб чиқиш ва тасдиклаш.	тасдиқ- ланган	Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси, вазирликлар ва истон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари	Ишлатилган қоғоз чиқиндиларини макулатурага топшириш бўйича аниқлаштирилган прогноз топшириқларни тасдиқлаш.	Қоғоз мақсулотлари ишлаб чиқариш учун ресурс базасини кўпайтириш.

T/p	Чора-тадбирлар (тадбирлар)	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли	Кутилаётган натижа
4.10.	Қоғоз чиқиндиларини тўплашдан бош-	2010 йил	Қоғоз чиқиндиларини	Қоғоз чиқиндиларини	Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёр-
	лаб, уни қайта ишлаш ва иккиламчи	15 сентябрь	тўплаш, тайёрлаш ва	тўплаш ва тайёрлаш	лаш ва қайта ишлаш механизмини
	хомашёдан тайёр махсулот ишлаб чиқа-		қайта ишлаш учун етказиб	бўйича амалдаги	такомиллаштириш, иккиламчи хом-
	ришгача бўлган технологик жараённинг		бериш масалалари бўйича	Низомга ўзгартириш ва	ашёдан қоғоз махсулотлари ишлаб
	амалдаги механизми самарадорлигини		Республика комиссияси,	қўшимчалар киритиш.	чиқариш ҳажмини кўпайтириш.
	тахлил қилиш ва уни такомиллаштириш		Иқтисодиёт вазирлиги,	Таклифларни Ўзбекис-	
	юзасидан таклифлар киритиш.		Ўзбекистон алоқа ва	тон Республикаси	
			ахборотлаштириш	Президенти қарорига	
			агентлиги	киритиш — 4.2-банд.	